Халқ депутатлари Наманган тумани Кенгашининг
ҚАРОРИ

2022 - yil 29 - mart VI-38-37-6-82-K/22 Namangan tumani hokimligi

Тумандаги Равнақ маҳалла фуқаролар йиғинидаги кўчага “Янги Ўзбекистон” номини бериш ҳамда “Тепа Қиёт” маҳалла фуқаролар йиғинидаги “Камолот” кўчасини “Камолиддин Тошпўлатов” номига ўзгартириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатида нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Мамлакатда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 20 январдаги 34-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлигининг 2021 йил 22 декабрдаги 15/25-4735-сонли ҳамда 2022 йил 27 январдаги 01/29/23-сонли хатларини ижросини таъминлаш мақсадида тумандаги “Равнақ” маҳалла фуқаролар йиғинидаги кўчага “Янги Ўзбекистон” номини бериш ҳамда Тепа Қиёт маҳалла фуқаролар йиғинидаги “Камолот” кўчасини “Камолиддин Тошпўлатов” номига ўзгартириш тўғрисидаги таклифини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-,24-моддаларига асосан Халқ депутатлари Наманган туман Кенгаши,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. География объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича туман комиссиянинг 2021 йил 11 августдаги 4-сонли баённомасига мувофиқ

тумандаги Равнақ маҳалла фуқаролар йиғинидаги кўчага “Янги Ўзбекистон” номини бериш ҳамда Тепа Қиёт маҳалла фуқаролар йиғинидаги “Комалот” кўчасини “Камолиддин Тошпўлатов” номига ўзгартириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Туман статистика бўлими (Х.Собиров), Кадастр агентлиги туман бўлими (Н.Тошпўлатов) ҳамда туман қурилиш бўлими (У.Холматов) бошқа тегишли мутасадди давлат органлари билан биргаликда номи ўзгартирилган маҳалла фуқаролар йиғинидаги кўчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва электрон базани шакллантириш, иш юритиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга оширсинлар.

3. Туман қурилиш бўлими (У.Холматов)га туман ободонлаштириш бошқармаси билан биргаликда туман худудида номлари ўзгартирилган маҳалла фуқаролар йиғинидаги кўчаларга янги номи ёзилган кўрсаткич ва белгилар ҳамда пешлавҳаларни замонавий дизайн асосида ўрнатилиши топширилсин.

4. Туман ички ишлар бўлими (М.Нўъмонов) номлари ўзгарган маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи аҳолининг фуқаролик паспортларига ва мазкур худуд акс эттирилган йўл белгиларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ишларини ташкилий равишда амалга оширсин.

5. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан номи ўзгартирилган маҳалла фуқаролар йиғини номи тасдиқланган Халқ депутатлари Наманган туман Кенгашининг қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Халқ депутатлари Наманган туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари (ёшлар сиёсати ва соғлом авлод) бўйича доимий комиссияси раиси Т.Сиддиқова зиммасига юклансин.

Туман ҳокими **С.Мўминов**